

Date: 17th November-2024

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ БИЛАН
ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ**

Урынбаев Абдибек Каржаубай улы

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич 311-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу илмий мақола профилактика инспекторларининг ёшлар етакчиси билан ижтимоий профилактикани амалга ошириш фаолиятининг асосий йўналишлари тушунчаси, ҳуқуқий асослари, мазмуни ва моҳияти, ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, амалиётда ҳозирги кундаги аҳволи ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги ҳамда маҳалла еттилиги билан ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашни ташкил этилишини ва ушбу фаолиятини такомиллаштиришга ёрналириш учун муаммо ва тақлифлар ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, маҳалла еттилиги, ёшлар етакчиси ҳамкорлик, ҳуқуқий таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий профилактика.

“Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–92-сон, 19.01.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилади.

Ёшлар етакчиси, жумладан, “Ёшлар баланси”ни шакллантириб, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб боради.

Қарорга кўра, ҳар бир маҳаллада “Бир нурунийга ўн нафар ёш”, “Кекса авлод учрашувлари” лойиҳалари амалга оширилади.

Ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар Етакчилар бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган Етакчилар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланади.

2022 йил 1 мартдан Етакчининг тавсияси асосида ёшларга тегишли ёрдам турлари (13 та) берилади.

Қарор билан қуйидагилар ташкил этилди:

Вазирлар Маҳкамасида Ёшлар ишлари шўъбаси;

Ёшлар ишлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари тузилмаларида маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлинмалари.

Date: 17th November-2024

Давлат ОТМ ва уларнинг филиалларидаги ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорга (директор ўринбосарига) биринчи проректор (директорнинг биринчи ўринбосари) мақоми берилади.

Етакчи лавозимига номзодлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссияларини шакллантириш орқали очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади.

Етакчининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгиланади:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада – МҲЭКМнинг 5,5 баравари миқдорида;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада – МҲЭКМнинг 6 баравари миқдорида.

Бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган Етакчи учун БҲМнинг 2 бараваригача миқдорда турар жой ижара тўлови қоплаб берилади.

Шунингдек, йил якуни бўйича юқори натижаларга эришган Етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдорида субсидия берилади.

Етакчи лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қолинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан мактаблардаги ёшлар етакчилари штат бирликлари қисқартирилиб, унинг ўрнига республикадаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Бу вазифалардан кўзланган мақсад эса ёшлар ортасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш уларга барҳам бериш вақтинча ишсиз ёшларга ижтимоий ёрдамлар бериш, уларни қийнабкелаётган муаммолар бўйича зарур чора тадбирлани амалга ошириш ва уларга бу муаммолар юзасидан ёрдамлар кўрсатишдир. Буларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 дэкабр кунидаги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-402-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2023 йил 21 дэкабр кунидаги Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ПФ-209-сон фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2022 йил 19 январ кунидаги Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-92-сон қарори қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки Ёшлар — ижтимоий-сиёсий маконда муҳим куч, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг эртанги куни фаровон бўлишига хизмат қилади. Ёшлар етакчилари тизими йўлга қўйилгани ёшларнинг



Date: 17th November-2024

мурожаатларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш имконини бэрмоқда. “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига маҳалладаги ҳар бир ёшнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда саломатлик ҳолати юзасидан маълумотлар доимий киритилиши имкони яратилганлиги ёшларни қийнаётган саволларга жавоб топишни янада енгиллаштирди. Ёшлар қанчалик билимли, касбли ва ҳунарли бўлса, мамлакат иқтисодиёти шунча тараққий этади. Бу борада етакчилар ёшларга яқин дўст, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлмоқда. Ёшларнинг сирини, юриш-туришини маҳалладаги ёшлар яхшироқ билади. Қайси маҳаллада ёшлар етакчиси ўз номи билан етакчи бўлса, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олса, ўша маҳаллада нохуш ҳолатлар кам бўлади, ўша ҳудуд фаровон, ёшлари эса бахтлироқ бўлади.

